ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ВИРТУАЛ АКТИВЛАР ВА КРИПТОВАЛЮТАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ҲАМДА УЛАРНИ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Тўхтасинов Мухамадрасул Мухитдин ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура тингловчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.23283962

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида виртуал активлар ва криптовалюталарнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати ҳамда уларни мулкий ҳуқуқлар объекти сифатида квалификация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги ва ижро иш юритувида криптоактивларни хатлаш, уларга ундирув қаратиш ва реализация қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ҳамда терминологик коллизиялар кўриб чиқилган. Муаллиф халқаро стандартлар (FATF, UNIDROIT, MiCA) ва юридик доктриналарни қиёсий ўрганиш асосида криптоактивларни "махсус ноашёвий мулкий ҳуқуқ" (sui generis) сифатида эътироф этишни асослаб беради.
Калит сўзлар: виртуал актив, криптовалюта, криптоактив, фуқаролик-ҳуқуқий табиат, мулкий ҳуқуқ объекти, ижро иш юритув, рақамли ҳуқуқ, блокчейн, тақсимланган реестр технологияси (DLT), ундирув қаратиш.

Abstract. This article analyzes the civil-law nature of virtual assets and cryptocurrencies, along with the challenges of qualifying them as objects of property rights in the context of the digital economy. Specifically, it examines the legal gaps and terminological conflicts in the civil legislation and enforcement proceedings of the Republic of Uzbekistan regarding the seizure, levying of execution, and realization of crypto-assets. Based on a comparative study of international standards (FATF, UNIDROIT, MiCA) and legal doctrines, the author justifies the recognition of crypto-assets as a "special non-material property right" (sui generis).
Keywords: virtual asset, cryptocurrency, crypto-asset, civil-law nature, object of property rights, enforcement proceedings, digital rights, blockchain, distributed ledger technology (DLT), levying of execution.

КИРИШ

Замонавий рақамли иқтисодиётнинг глобал миқёсда жадал ривожланиши ва ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кенг кириб бориши анъанавий ҳуқуқий институтларни, хусусан, фуқаролик ҳуқуқи ва ижро иш юритувининг фундаментал доктринал асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда [12, б. 84]. Жаҳон молиявий ва иқтисодий тизимида тақсимланган реестр технологиялари, криптографик ҳимоя ва марказлашмаган тармоқлар асосида фаолият юритувчи янги турдаги рақамли тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фуқаролик муомаласига фаол жалб этилиши мулкий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради [1, p. 12]. Триллионлаб АҚШ доллари билан ўлчанадиган виртуал активлар ва криптоактивлар бозорининг шаклланиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар, инвестиция

киритиш, капитални жамғариш ҳамда мулкий мажбуриятларни бажариш усулларини тубдан ўзгартириб юборди [28, б. 45].

Ушбу глобал тенденциялар фонида Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли трансформация жараёнлари устувор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бўйича салмоқли норматив-ҳуқуқий база яратилди [6]. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг мулкий активлари таркибида криптовалюта ва токенларнинг тобора ортиб бориши ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизими олдига мураккаб ва кўп қиррали вазифаларни қўймоқда [25]. Қарздорларнинг ўз мулкий мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш, активларни яшириш ёки олиб чиқиб кетиш мақсадида децентрализациялашган ва аноним крипто-ҳамёнлардан кенг фойдаланаётгани ижро иш юритувида ундирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ва таъсирчан механизмларини шакллантиришни кечиктириб бўлмайдиган заруратга айлантирди [16, с. 92].

Ижро иш юритувининг самарадорлиги бевосита мажбурий ундирув қаратилаётган объектнинг фуқаролик-ҳуқуқий статуси ва мулкий квалификацияси аниқ белгиланганига боғлиқдир [18, p. 218]. Агар мажбурий ижро органи, хусусан, Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси қарздорнинг мулки сифатида аниқланган криптоактивнинг ҳуқуқий табиатини, унга нисбатан эгалик қилиш ва тасарруф этиш ваколатларининг чегараларини ҳамда ушбу активнинг фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимидаги ўрнини аниқ тасаввур қилмаса, уни хатлаш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имконсиз бўлиб қолади [25]. Натижада суд қарорларининг ижро этилмаслиги жамиятда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига бўлган ишончга сезиларли путур етказади.

Шу сабабли, ижро иш юритувида виртуал активлар ва криптовалюталарга ундирув қаратишнинг амалий механизмларини такомиллаштиришдан аввал уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиатини чуқур назарий таҳлил қилиш, фундаментал тушунчаларнинг мазмунини аниқлаштириш ҳамда уларни мулкий ҳуқуқлар объекти сифатида квалификация қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Виртуал активлар соҳасидаги замонавий юридик доктрина ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида энг мураккаб ва баҳсли масалалардан бири бу ишлатилаётган асосий тушунчалар ва атамаларнинг ранг-баранглиги ҳамда улар ўртасидаги концептуал чегараларнинг аниқ белгиланмаганидир [13, с. 45]. Халқаро амалиётда ва турли юрисдикциялар қонунчилигида "виртуал актив", "криптоактив", "криптовалюта", "токен" ва "рақамли актив" каби атамалар гоҳ синоним сифатида, гоҳ бир-бирини истисно этиб, баъзан эса видовий-генерик нисбатда қўлланилмоқда [17, с. 22]. Бундай терминологик ноаниқлик ҳуқуқий кафолатларнинг турлича талқин қилинишига ва ижро иш юритувида мол-мулкни хатлаш ҳамда ундирув қаратишда жиддий амалий коллизияларга сабаб бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Халқаро даражада виртуал активларнинг универсал таърифини шакллантиришда ва улар айланмасини тартибга солиш стандартларини белгилашда Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ – FATF) етакчи ўрин тутади [1, p. 15]. ФАТФнинг тавсияларига мувофиқ, виртуал актив (Virtual Asset) деганда рақамли равишда сотиладиган ёки ўтказиладиган ҳамда тўлов ёки инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин бўлган қийматнинг рақамли ифодаси тушунилади. Бунда ФАТФ марказий банклар томонидан чиқарилган фиат валюталарнинг рақамли

шаклларини, қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активларнинг рақамли репрезентацияларини "виртуал актив" тушунчасидан мустасно этади [1, p. 16]. ФАТФ ёндашуви асосан жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш нуқтаи назаридан шакллантирилган бўлиб, у активнинг иқтисодий ва функционал вазифасига урғу беради.

Хусусий ҳуқуқни унификация қилиш халқаро институти (ЮНИДРУА – UNIDROIT) томонидан қабул қилинган "Рақамли активлар ва хусусий ҳуқуқ тамойиллари" (Principles on Digital Assets and Private Law) ҳужжатида эса "рақамли актив" (Digital Asset) тушунчасига нисбатан ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий ёндашувларни умумлаштирувчи муҳим таъриф берилган [2, p. 8]. ЮНИДРУА тамойилларига кўра, рақамли актив – бу электрон тарзда сақланадиган, алоҳидалаштирилиши ва мустақил равишда назорат (control) қилиниши мумкин бўлган электрон ёзувдир. Ушбу контекстда ЮНИДРУА анъанавий ашёвий ҳуқуқдаги "эгалик қилиш" (possession) тушунчаси ўрнига "электрон назорат" (control) категориясини марказий мезон сифатида илгари суради, бу эса рақамли активларнинг ашёвий-ҳуқуқий табиатини асослашда муҳим фундаментал қадам ҳисобланади [2, p. 12].

Европа Иттифоқи миқёсида қабул қилинган "Криптоактивлар бозори тўғрисида"ги Регламент (MiCA – Markets in Crypto-Assets) континентал ҳуқуқ тизимида криптоактивларнинг энг мукаммал ва батафсил таснифини тақдим этди [3, Article 3]. MiCA регламентига мувофиқ, криптоактив (Crypto-asset) – бу тақсимланган реестр технологияси (DLT) ёки шунга ўхшаш технологиялар ёрдамида электрон тарзда ўтказилиши ва сақланиши мумкин бўлган қиймат ёки ҳуқуқларнинг рақамли ифодасидир. Регламент криптоактивларни учта асосий категорияга ажратади: утилитар токенлар (utility tokens), активларга боғланган токенлар (asset-referenced tokens – ART) ва электрон пул токенлари (e-money tokens – EMT) [3, Article 4]. Бундай таснифлаш криптоактивнинг ортида қандай реал ҳуқуқ ёки мажбурият турганини аниқлаш имконини беради.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида, хусусан АҚШда рақамли активларни квалификация қилишда кўпроқ прецедент ҳуқуқи ва соҳавий назорат органларининг (SEC ва CFTC) ёндашувлари устуворлик қилади [20, p. 45]. АҚШ Товар фьючерслари савдоси комиссияси (CFTC) Биткоин ва Эфириум каби марказлашмаган криптовалюталарни "товар" (commodity) сифатида эътироф этса, Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси (SEC) кўплаб токенларни Хауи тести (Howey Test) асосида "инвестицион шартнома" ва "қимматли қоғоз" сифатида квалификация қилади [20, p. 48]. Шу билан бирга, АҚШ Ягона савдо кодексига (UCC) киритилган 12-модда (Article 12) "назорат қилинадиган электрон ёзув" (controllable electronic record – CER) тушунчасини муомалага киритиб, рақамли активларни таъминланган битимлар ва ашёвий ҳуқуқлар объекти сифатида эътироф этишнинг процессуал асосларини яратди [4, Section 12-102].

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, соҳани тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "крипто-актив" тушунчаси асосий концептуал категория сифатида мустаҳкамланган [6]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-121-сон Фармони билан киритилган қоидаларга ҳамда Ички ишлар вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ва Бош прокуратуранинг 2024 йил 25 декабрдаги 3591-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган Йўриқномага мувофиқ, крипто-актив – маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндисини ифодалайдиган, қиймати ва эгасига эга бўлган мулкий ҳуқуқдир [7, 2-банди]. Ушбу таърифда миллий қонун чиқарувчи криптоактивни ашё эмас, балки айнан "мулкий ҳуқуқ" (property right) сифатида квалификация қилиш позициясини танлагани яққол кўринади.

Бироқ миллий қонунчиликдаги ва амалиётдаги терминологик қўлланишларни чуқурроқ таҳлил қилиш муайян ноаниқликлар ва зиддиятларни юзага чиқаради [12, б. 87]. Биринчидан, миллий қонунчиликда "криптовалюта" атамасидан онгли равишда воз кечилган ва у расмий ҳужжатларда қўлланилмайди. Бунинг асосий сабаби – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида криптоактивлардан тўлов воситаси ва воситачилик қиймати сифатида фойдаланишнинг қонунан тақиқланганидир [8, 5-банди]. Қонунчиликка кўра, криптоактивлар тўлов воситаси бўла олмайди, улар фақатгина махсус лицензияга эга бўлган хизматлар провайдерлари (крипто-биржалар, крипто-дўконлар) орқали миллий ва хорижий валютада сотиб олиниши ёки сотилиши мумкин бўлган инвестицион ва мулкий объект ҳисобланади [8, 12-банди].

Иккинчидан, миллий ва хорижий юридик доктринада "виртуал актив" ва "криптоактив" тушунчаларининг ўзаро нисбати борасида турли ёндашувлар мавжуд [13, с. 52]. Фикримизча, "виртуал актив" тушунчаси кенгроқ (генерик) тушунча бўлиб, ўз ичига нафақат блокчейн технологиясига асосланган криптоактивларни, балки блокчейнга боғланмаган бошқа рақамли қийматларни (масалан, онлайн ўйинлардаги виртуал валюталар ва активлар, марказлашган серверлардаги рақамли баллар) ҳам олади. "Криптоактив" эса виртуал активнинг торайтирилган (видовий) шакли бўлиб, унинг ажралмас белгиси – маълумотларнинг тақсимланган реестри (блокчейн) ва криптографик алгоритмлар асосида яратилиши ҳамда юритилишидир. "Токен" эса криптоактивнинг муайян ҳуқуқ, актив ёки утилитар имкониятни рақамли муҳитда ифодаловчи ва ижро этувчи техник-ҳуқуқий бирлиги ҳисобланади.

Олимларнинг қарашларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, фуқаролик ҳуқуқи доктринасида криптовалюта ва криптоактивларнинг ҳуқуқий табиати бўйича асосий тўртта концепция мавжудлигини кўришимиз мумкин [14, с. 24]. Биринчи концепция тарафдорлари (хусусан, Р.М. Янковский, В.А. Перов) криптовалюталарни "пул суррогати" (money surrogate) ёки марказлашмаган ҳисоб-китоб бирлиги сифатида баҳолаб, уларнинг муомалада бўлиши давлатнинг молиявий суверенитетига таҳдид солади, деган фикрни илгари суришади [15, с. 50; 29, с. 15]. Ушбу ёндашувга қўшилиш қийин, чунки криптовалюталар пулнинг барча классик функцияларини (айниқса, қиймат ўлчови ва умумий тўлов воситаси функциясини) бажармайди ва уларни тўлиқ пул суррогатига тенглаштириш уларнинг мулкий ва инвестицион моҳиятини инкор этади.

Иккинчи концепция вакиллари (В.С. Белых, М.О. Болобонова) криптовалюта ва криптоактивларни классик "мулкий ҳуқуқлар" (имущественные права) категориясига киритади [14, с. 26]. Уларнинг фикрича, криптоактив эгаси ва тармоқ (ёки эмитент) ўртасида муайян рақамли мажбурият муносабати мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқ бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Ушбу ёндашув Ўзбекистон қонунчилигидаги (ПФ-121) таърифга жуда яқин туради [6]. Бироқ ушбу концепциянинг заиф томони шундаки, Биткоин каби тўлиқ децентрализациялашган тармоқларда муайян субъект-қарздор (эмитент) мавжуд эмас, бу эса мажбурият ҳуқуқининг классик икки томонлама (қарздор ва ҳақдор) тузилмасига зид келади [11, б. 45].

Учинчи концепция тарафдорлари (Л.В. Санникова, Ю.С. Харитонова, А.В. Незнамов) криптоактивларни "алоҳида ноашёвий мулкий объект" ёки "sui generis" (ўзига хос) рақамли мулк сифатида квалификация қилишни таклиф этадилар [13, с. 78; 16, с. 95]. Уларнинг таъкидлашича, криптоактивлар ҳам ашёвий ҳуқуқларнинг (эгалик қилиш ва тасарруф этиш ваколатлари), ҳам мажбурият ҳуқуқларининг белгиларини ўзида мужассам этган ҳолда анъанавий категорияларга сиғмайдиган мутлақо янги ҳуқуқий феномендир. Хорижий олимлардан Sjef van Erp ва A. Lehavi ҳам рақамли активлар ашёвий ҳуқуқнинг "numerus clausus" (чекланган рўйхат) принципини кенгайтиришни ва "электрон назорат"га асосланган янги ашёвий-ҳуқуқий режимни тан олишни талаб қилишини асослаб беришган [19, p. 8; 20, p. 115].

Тўртинчи концепция вакиллари (миллий олимлардан Ф. Абдиҳакимов, А. Пардаев) рақамли муҳитда пайдо бўлувчи объектларни фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимида "ноашёвий мулкий бойликлар" ёки "рақамли ҳуқуқлар" сифатида мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайдилар [12, б. 89; 28, б. 48]. И.Б. Зокиров ва Ҳ.Р. Раҳмонқуловлар томонидан илгари сурилган фуқаролик ҳуқуқлари объектлари ва мажбурият ҳуқуқи назариясига таянган ҳолда [10, б. 120; 11, б. 60], миллий тадқиқотчилар криптоактивнинг иқтисодий қийматга эгалиги, эркин муомалада бўла олиши ва шахснинг мулкий доирасига кириши уни мулкий муносабатларнинг объектига айлантиришини кўрсатиб беришади.

Ўзбекистон Республикасида виртуал активлар ва криптоактивлар айланмасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг шаклланиши ва эволюциясини таҳлил қилар эканмиз, бу жараённинг бир нечта босқичларда амалга ошганини кўришимиз мумкин [12, б. 90]. Дастлабки босқичда, яъни 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон Фармони ва 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3926-сон Қарори билан соҳани тартибга солувчи махсус орган – Loyiha boshqaruvi milliy agentligi (ҳозирги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги – ИЛМА) ташкил этилди ва мамлакатда крипто-биржалар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилди [21; 22].

Кейинги сифат босқичида, хусусан, Президентнинг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон Қарори ва 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-121-сон Фармони қабул қилиниши билан криптоактивлар айланмаси соҳасининг институционал ва норматив модели тўлиқ шакллантирилди [23; 6]. Ушбу ҳужжатлар билан ИЛМА соҳадаги ягона ваколатли давлат органи этиб белгиланди, криптоактивлар айланмаси соҳасидаги фаолият турлари (майнинг ва хизматлар провайдерлари фаолияти), шунингдек, "Тартибга солиш қумдони" (Regulatory Sandbox) махсус ҳуқуқий режими жорий этилди. ИЛМА томонидан крипто-биржалар, крипто-депозитарийлар, крипто-дўконлар ва майнинг-пуллар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солувчи ўндан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (шу жумладан, 3379-сонли Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидалари) қабул қилинди [8].

2024-2026 йилларга келиб соҳани ҳуқуқий тартибга солиш янада чуқурлашди [9; 24]. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги, ИЛМА ва Бош прокуратуранинг 2024 йил 25 декабрдаги 3591-сонли қўшма қарори билан суриштирув ва дастлабки тергов давомида аниқланган криптоактивларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланди [7]. Шунингдек, 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ-1115-сонли Қонун ва 2026 йил 19 августдаги ЗРУ-1169-сонли Қонунлар билан рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш, шунингдек, криптоактивлар айланмаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига муҳим ўзгартиришлар киритилди [9; 24].

Бироқ, яратилган ушбу норматив-ҳуқуқий базани фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан синчиклаб таҳлил қилиш унинг тизимли ва фундаментал камчиликлари мавжудлигини кўрсатади [12, б. 91]. Энг асосий ва жиддий камчилик – бу норматив манбалар иерархиясидаги ва фундаментал қонунчиликдаги институционал коллизиядир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг тугалланмаган рўйхати келтирилган бўлиб, унда ашёлар, мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари ва бошқа бойликлар қайд этилган [5, 81-модда]. Бироқ Кодекснинг бирорта ҳам моддасида "виртуал актив", "криптоактив" ёки "рақамли ҳуқуқ" тушунчалари, уларнинг пайдо бўлиш, бошқа шахсга ўтиш, бекор бўлиш ва уларга нисбатан ашёвий ёки мажбурият ҳуқуқларини қўллаш қоидалари назарда тутилмаган.

Бунинг оқибатида, миллий ҳуқуқ тизимида ғаройиб ва номутаносиб ҳолат юзага келган: криптоактивларнинг мулкий ҳуқуқ экани ҳақидаги кодексуал даражадаги норма Кодексда эмас, балки Президент фармонида (ПФ-121) ва идоравий ҳужжатларда (ИЛМА ҳужжатларида) ўз ифодасини топган [6; 7]. Фуқаролик қонунчилиги тизимида Фуқаролик кодекси олий юридик кучга эга бўлган кодификациялашган асосий ҳужжат ҳисобланади ва бошқа қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари унга мувофиқ келиши шарт [5, 1-модда]. Махсус қонуности ҳужжатларида криптоактивнинг "мулкий ҳуқуқ" сифатида белгиланиши, бироқ Фуқаролик кодексида ушбу объектнинг моддий-ҳуқуқий режими ва мақоми акс этмагани судий ва мажбурий ижро амалиётида жиддий ҳуқуқий ноаниқликни (legal uncertainty) келтириб чиқармоқда.

Мазкур норматив бўшлиқнинг ижро иш юритуви амалиёти учун салбий оқибатлари ғоят оғирдир [18, p. 222]. Мажбурий ижро бюроси (МИБ) давлат ижрочиси суднинг ижро ҳужжати асосида қарздорнинг мол-мулкига ундирув қаратишда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларига таянади [25]. Ушбу Қонунда қарздорнинг пул маблағларига, кўчар ва кўчмас мулкига, қимматли қоғозларига ва алоҳида мулкий ҳуқуқларига ундирув қаратишнинг аниқ тартиб-таомиллари назарда тутилган. Бироқ Қонунда қарздорнинг крипто-ҳамёнида сақланаётган криптоактивларини хатлаш, уларни муомаладан чиқариш, баҳолаш ва реализация қилишнинг процессуал механизми умуман мавжуд эмас [25].

Жиноят-процессуал соҳасида 3591-сонли Йўриқнома орқали тергов органлари томонидан криптоактивларни олиб қўйиш ва хатлаш тартиби маълум даражада тартибга солинган бўлса-да [7], фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ижро иш юритувида бундай тўлиқ процессуал механизм мавжуд эмас. Давлат ижрочиси қарздорнинг криптоактиви борлигини аниқлаган тақдирда ҳам, уни қайси давлат реестри орқали тақиққа қўйишни, кастодиал бўлмаган (non-custodial) крипто-ҳамёмдаги активни қандай қилиб фактик хатлашни ва уни қайси тартибда кимошди савдосига ёки крипто-биржага чиқаришни билмайди. Бу ҳолат Фуқаролик кодекси ва ижро тўғрисидаги қонунчиликка криптоактивларнинг фуқаролик-ҳуқуқий режимини ҳамда уларга ундирув қаратишнинг махсус процессуал нормаларини зудлик билан киритишни талаб этади.

Криптоактивларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиатини ва уларни мулкий ҳуқуқлар объекти сифатида квалификация қилиш масаласини чуқурроқ англаш учун уларнинг техник-иқтисодий ва технологик хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур [26, p. 14]. Криптоактивлар анъанавий мулк объектларидан ва классик қимматли қоғозлардан ўзининг рақамли пайдо бўлиш манбаи, сақланиш ва ўтказилиш алоҳидаликлари билан тубдан фарқ қилади. Уларнинг асосида блокчейн (Blockchain) ва тақсимланган реестр технологияси (Distributed Ledger Technology – DLT) ётади [26, p. 18]. Тақсимланган реестр – бу маълумотларни ягона марказлаштирилган серверда эмас, балки тармоқнинг кўплаб мустақил тугунларида (node) бир вақтнинг ўзида синхрон равишда сақловчи ва янгилаб борувчи иқтисодий-техник тизимдир.

Криптоактивларнинг мулкий квалификациясига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий техник-иқтисодий хусусиятларга қуйидагилар киради: биринчидан, децентрализация ва марказлашган эмитентнинг мавжуд эмаслиги [27, p. 210]. Биткоин каби классик криптовалюталарда активни муомалага чиқарувчи ёки унинг қийматини кафолатловчи ягона юридик ёки жисмоний шахс (эмитент) мавжуд эмас. Бу ҳолат криптоактивни классик мажбурият ҳуқуқи объекти (қарздордан муайян ҳаракатни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқи) сифатида квалификация қилишга имкон бермайди, чунки талаб қилинадиган мажбур шахснинг ўзи йўқ [11, б. 80].

Иккинчидан, криптографик ҳимоя ва хусусий калит (private key) орқали назорат қилиниш хусусияти [26, p. 25]. Криптоактив алоҳида моддий ташувчига эга эмас; у тақсимланган

реестрдаги рақамли ёзувлар (ledger entries) ва транзакциялар занжиридан иборат. Ушбу рақамли ёзувга эгалик қилиш ва уни бошқа манзилга ўтказиш фақат ва фақат алоҳида криптографик математик код – хусусий калит (private key) ҳамда қайта тиклаш пароли (SEED-ибора) орқали амалга оширилади. Оммавий манзил (public address) эса ҳаммага очиқ бўлиб, у алоҳида ҳисобварақ вазифасини бажаради. Ҳуқуқий нуқтаи назардан, хусусий калитга эгалик қилиш субъектга ушбу рақамли актив устидан мутлақ фактик назоратни (factual control) таъминлайди [2, p. 15].

Учинчидан, транзакцияларнинг ортга қайтмас экани (irreversibility) ва анонимлик/псевдоанонимлик хусусияти [16, с. 98]. Блокчейн тармоғида амалга оширилган транзакцияни ҳеч бир марказий орган, суд ёки банк томонидан бекор қилиш ёки ортга қайтариш мумкин эмас. Блокчейнга киритилган ёзув абадий ва ўзгармасдир. Шунингдек, кастодиал бўлмаган крипто-ҳамёнлар муайян шахснинг шахсий маълумотларига (фамилияси, исми, паспорт маълумотларига) боғланмаган бўлиб, фақат рақамлар ва ҳарфлар комбинациясидан иборат оммавий манзил орқали ишлайди. Бу эса активнинг ҳақиқий бенефициар эгасини аниқлашни ғоят мураккаблаштиради [17, с. 28].

Ушбу техник-иқтисодий хусусиятлар фуқаролик ҳуқуқи ва ижро иш юритуви учун жуда муҳим назарий ва амалий саволларни ўртага ташлайди: хусусий калитга эгалик қилиш юридик жиҳатдан мулк ҳуқуқини англатадими ёки шунчаки фактик эгалик қилиш ҳолатими? Агар шахснинг хусусий калити хакерлик ҳужуми орқали ўғирланса ёки у қайта тикланмайдиган қилиб йўқотилса, унинг криптоактивга нисбатан ҳуқуқи бекор бўладими? Халқаро доктринада бу борада "Код – бу қонун" (Code is Law) номли радикалликка асосланган концепция ва анъанавий юридик позитивизм ўртасида кескин баҳс кечмоқда [27, p. 215].

"Code is Law" концепцияси тарафдорлари (M. Swan, K. Yeung) блокчейн алгоритмлари ва смарт-контрактлар коди ҳуқуқий нормалардан устун туради, деб ҳисоблайдилар [26, p. 30; 27, p. 218]. Уларнинг фикрича, кимда хусусий калит бўлса, ўша шахс активнинг ягона ва қонуний эгаси ҳисобланади, чунки блокчейн архитектураси ҳуқуқий суд қарорларини эмас, фақат математик кодни тан олади. Мазкур концепцияга қўшилиш мутлақо имконсиздир, чунки у ҳуқуқий тартибот ва давлат суверенитетини инкор этади. Ҳуқуқ – бу жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи давлат томонидан таъминланадиган қоидалар тизимидир. Математик код ва алгоритм эса фақатгина техник инструмент бўлиб, у ҳуқуқ нормасига ва суд ҳокимиятининг қарорларига бўйсуниши шарт.

ХУЛОСА

Фикримизча, хусусий калитга эгалик қилишни ашёвий ҳуқуқдаги "ашёни фактик эгаллаб туриш" (possession) тушунчасига аналогик равишда тенглаштириш мумкин, бироқ бу фактик эгаликнинг ўзигина мулк ҳуқуқининг мавжудлигини автоматик равишда англатмайди [10, б. 140]. Юридик мулк ҳуқуқи (ownership) – бу давлат томонидан тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, ҳуқуқни вужудга келтирувчи юридик фактларга (шартнома, мерос, майнинг ва б.) асосланган субъектнинг абсолют ҳуқуқидир. Агар хусусий калит ғайриқонуний йўл билан ўғирланган бўлса, фактик назорат жиноятчига ўтган бўлса-да, юридик мулк ҳуқуқи ҳақиқий эгасида сақланиб қолади ва у суд орқали ўз мулкий ҳуқуқларини тиклашга ҳақлидир.

Криптоактивларнинг ушбу техник-иқтисодий хусусиятларини умумлаштирган ҳолда, уларни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан квалификация қилиш бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин: криптоактив классик моддий ашё ҳам эмас, оддий мажбурият талаби ҳам эмас [13, с. 85]. У тақсимланган реестрдаги рақамли ёзув кўринишидаги, хусусий калит орқали назорат қилинадиган,

мустақил иқтисодий қийматга эга бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган махсус ноашёвий мулкий ҳуқуқ (sui generis absolute digital property right) ҳисобланади [12, б. 92; 28, б. 50].

Ушбу назарий хулосанинг ижро иш юритуви амалиёти учун фундаментал аҳамияти шундаки, агар криптоактив махсус мулкий ҳуқуқ сифатида эътироф этилса, МИБ давлат ижрочиси қарздорнинг криптоактивларига ундирув қаратишда анъанавий ашёларни олиб қўйиш қоидаларини эмас, балки мулкий ҳуқуқларни хатлаш ва уларни реализация қилишнинг алоҳида процессуал режимини қўллаши лозим бўлади [18, p. 228]. Хусусан, кастодиал крипто-биржалардаги активларга ундирув қаратишда биржага учинчи шахс сифатида фармойиш юбориш ва қарздорнинг аккаунтини блокировка қилиш лозим бўлса, кастодиал бўлмаган (non-custodial) крипто-ҳамёнлар бўйича қарздорга хусусий калит ёки SEED-иборани мажбурий тақдим этиш мажбуриятини юклаш ҳамда ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда унга нисбатан жарима ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш механизми ишлаб чиқилиши зарур.

Криптоактивларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати ва уларни мулкий ҳуқуқлар объекти сифатида квалификация қилишга оид ушбу назарий ва норматив асослар, ўз навбатида, ушбу активларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳуқуқий режимини ҳамда уларни ашёвий ва мажбурият ҳуқуқлари тизимида тутган ўрнини янада чуқурроқ қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш заруратини тақозо этади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Financial Action Task Force (FATF). Updated Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets and Virtual Asset Service Providers. – Paris: FATF, 2021. – 120 p.
2. UNIDROIT. Principles on Digital Assets and Private Law. – Rome: International Institute for the Unification of Private Law, 2023. – 145 p.
3. Regulation (EU) 2023/1114 of the European Parliament and of the Council of 31 May 2023 on markets in crypto-assets (MiCA) // Official Journal of the European Union. L 150, 09.06.2023. – P. 1–166.
4. Uniform Commercial Code (UCC) Article 12 – Controllable Electronic Records // Uniform Law Commission & American Law Institute, 2022.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ПФ-121-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2022 й., 06/22/121/0358-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 декабрдаги "Терговга қадар текширувни амалга оширишда ва жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган крипто-активларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда топшириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 3591) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2024 й., 10/24/3591/1002-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 15 августдаги "Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 3379) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2022 й., 10/22/3379/0743-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 21 январдаги "Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-1115-сон Қонуни // LEX.UZ.
10. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 432 б.
11. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 345 б.
12. Абдиҳакимов Ф.З. Сунъий интеллектнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрнини таснифлаш муаммолари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста. – 2026. – № 4. – Б. 84–92.
13. Санникова Л.В., Харитонова Ю.С. Цифровые активы: правовой анализ. Монография. – М.: 4 Принт, 2020. – 304 с.
14. Белых В.С., Болобонова М.О. Проблемы определения правового режима криптовалют // Журнал предпринимательского и корпоративного права. – 2019. – № 3. – С. 23–28.
15. Янковский Р.М. Криптовалюты в российском праве: суррогаты, "иное имущество" и цифровые деньги // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2020. – № 4. – С. 43–77.
16. Незнамов А.В. О проблемах анонимности и приватности криптовалюты в исполнительном производстве // Актуальные проблемы российского права. – 2025. – Vol. 126, No. 2. – С. 91–102.
17. Долгиева М.М., Волеводз А.Г. Уголовная политика в сфере конфискации криптовалюты в России, ЕС и США // Цифровое право (Digital Law Journal). – 2025. – Т. 6, № 1. – С. 20–34.
18. Sadzevičius M., Pranevičienė K., Gaubienė N. Recovery of Digital Assets and Cryptocurrencies in Civil Enforcement Proceedings: Key Challenges // Prawo i Więź. – 2025. – Vol. 55, No. 1. – P. 216–234.
19. van Erp S. Ownership of Digital Assets and the Numerus Clausus of Legal Objects // Maastricht European Private Law Institute Working Paper. – 2017. – No. 6.
20. Lehavi A. Property Law in a Globalizing World. – Cambridge: Cambridge University Press, 2019. – 280 p.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5120-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3926-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4996-сон Қарори // LEX.UZ.
24. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 19 августдаги "Халқаро рақамли технологиялар маркази тўғрисида"ги ЗРУ-1169-сон Қонуни // LEX.UZ.
25. Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 11-12-сон, 218-модда.
26. Swan M. Blockchain: Blueprint for a New Economy. – Sebastopol: O'Reilly Media, 2015. – 152 p.
27. Yeung K. Regulation by Blockchain: the Emerging Battleground // Legal Studies. – 2019. – Vol. 39, No. 2. – P. 207–226.
28. Пардаев А. Рақамли иқтисодиётда мулкий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари // Одил судлов. – 2025. – № 8. – Б. 45–52.